



ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДАН ФЙДАЛАНИШ

М.Кодирова

АДУ эркин тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5584399>

ARTICLE INFO

Received: 05th October 2021

Accepted: 10th October 2021

Online: 15th October 2021

KEY WORDS

Ватанпарварлик,
Ёшлар, Авесто, Гўрўғли

ABSTRACT

Ватанпарварлик–бу она заминга бўлган мухаббат, уни севиш, эъзозлаш ўз она-ватани учун жонкуярлик қилиш, унинг халқини севиш ўлка табиатини севиш, ўзбек халқ қўхна тарихини билиш, ўз халқининг миллий меросини, маданияти, санъатини, меъморчилик ёдгорликларини асраб авайлаш, Ватан олдида масъулиятли бўлиш, фойда келтириш, халқни ўйлаш ва унга хамдард бўлиш, Ватанидан миллатидан, тилидан байроқ мадхия тамгасидан, анъана, қадрият, урф-одатларидан, миллий ғуруридан фойдаланишдир.

Авалло, Ватан атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини билдиради.

Ёшларда миллий ўзликни англаш – миллатга унинг тарихига мансублигини ҳис қилишини шакллантириш керак. Геродотнинг «Тарих» китобида ёзилганидек, аждодларимизда қадрланадиган хислатларнинг энг асосийси – жасурлик экан. Ундан кейинги муҳим хислат адолатлилик ва моҳирлик бўлган. Ҳар бир ишни бажарганда, жумладан, отда юриш, ов қилиш, ухламоқ, омонатни сақлаш, ўйланиш, жазо бериш ва илм олиш ҳақида юқори маҳорат ва миллий маданиятга қараб бажариш инсоннинг фазилатлари ҳисобланади. Маънавий меросимиз ҳисобланган эпик ривоятларда, жумладан, «Авесто», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғоти-турк», «Гўрўғли» ва «Алпомиш» дostonлари ва

бошқа асарларда аждодларимизнинг ватанини, халқини, миллатини севиш, ор-номус ва дўстларига садоқат ва маданият каби сифатлар уларнинг асосий ижтимоий-маънавий хислатлари ҳисобланган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да тарбия ҳаётининг энг муҳим тиргаги сифатида кўрилиб, ҳар бир ёшни тарбиялаганда, у аввало яхши ўқишни, ёзишни ўрганиши керак, дейилган. Унда инсон ўз меҳнати туфайли барча ёмонликлардан, ёвузликлардан қутилиши мумкин, деган ғоя бор.

Алишер Навоийнинг фикрича, аҳли маъни, яъни маънили кишилар маънавиятли етук шахслардир: «Ҳайрат-ул-Аброр» дostonида етук шахс-нинг маънавиятидаги яхшилик, саховат, софлик, ҳаё, мурувват, андиша, адаб, камтарлик, садоқат, қаноат, ростгўйлик, бағрикенглик сингари фази-латларни таърифлаб, руҳий камолот йўллари



тахлил этилган. Навоийнинг фикрича, ҳарбийларни камолотга етказиш деганда, уни халқпарвар, билимли, энг яхши фазилатларга эга кишилар қилиб етиштириш тушунилади. Ҳар бир халқнинг ана шу улкан маънавий қадриятлари чуқур томир отиб кетган ўқилдилари билан жаҳон маданиятида ўзига хос ўрин тутди.

Ўзини Ватан фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир инсон унинг моддий ва маънавий бойликларини асарб-авайлаши, уларнинг янада кўпайтириш, ривожланиши учун ватаннинг мудофақудратини мустаҳкамлашга унинг халқаро обрў-эътиборининг оширишга ўта масъулият билан ўзининг муносиб хиссасини қўшиб бориши зарур.

Хозирги кунгача ватанпарварлик ота-боболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давомидир. Ўзбек ватанпарварлиги унинг маърифатли фарзандлари тимсолида, қалбида сақланиб келган туйғудир. Ватанга мухаббат-ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанни юракдан хис қилмоқ ва севмоқ керак. Бунинг учун соғлом ақлли ва довюрак бўлмоқ лозим.

Инглиз шоири Ж.Байрон «Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди» деган эди. Абдулла Авлоний «Биз Туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби, араблар арабистонларини, қумлик иссиғу чўлларини, эскумулар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларни бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймаслар эрди, хавоси яхши тириклик осон ерларига ўз ватанларини ташлаб хижрат қилурлар эди». Боболаримиз «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл», - демишлар».

Инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, маданият ва маънавият ҳақидаги умуминсоний муаммолар, қадриятлар, инсониятнинг айна давридаги ҳаёти, жамиятнинг истиқболи тўғрисидаги фалсафий фикр мулоҳазаларни баён этиш ва илмий асослаш, барча давр мутафаккирларида бўлганидек Шарқ мутафаккирлари ижодининг ҳам марказида турган эди. Шарқ мутафаккирларининг ижодида ана шундай фалсафий ғояларни илм – фан ютуқларига асосланиб баён этиш устиворлик қилган.

Ахмад Фаробий, Мусо Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Улуғбек Навоийдек қомусий ақл эгалари ижодига назар ташлансак ҳам уларда ватанпарварлик ва инсонпарварликни, тинчлик ва осойишталикни, инсоний фазилат ва кадр – қимматни куйлаш, васф этиш асосий ўрин тутганлиги яққол кўринади.

Хусайин Воиз Ал-Кошифийнинг «Ахлоқи Мухсиний» асарида ўқтиришича инсонни таълим-тарбия орқали қайта тарбиялаш ақлий қобилятини ўстириш мумкин. Кошифий ўзининг педагогик қарашларича болаларда мустақил фикрлаш қобилятини ўстириш масаласига алоҳида эътибор беради. Ота – оналар муаллимлардан бу масалага алоҳида аҳамият беришни талаб этади. Бу масалада оилавий ҳамда ташқи муҳит муҳим ўрин тутди. Бола тўғри сўзли, вадага вафодор, яхши хулқли, халқпарвар қилиб тарбияланиши керак.

Бу борада Қорақалпоқ ёзувчиси Бердимурод Бердақ ижодида халқлар тенглиги, инсонпарварлик, ватанпарварлик, адолат ҳақидаги ғояларини олға суради. Бердақ инсоннинг шахсий бахти халқ



бахти билан боғлиқ деб билади. Унинг таъкидлашича, ҳар бир одам ҳақиқий бахтга эришиши учун ўз шахсий манфаатини халқ манфаати билан бирлаштириши, халқ бахти учун керак бўлса жонини ҳам аямаслиги керак. Бердақнинг фикрича инсон олий ахлоқий сифатларига, чунончи, беғаразлик, олижаноблик, виждонийлик, меҳнатсеварлик, мардлик фазилатларига эга бўлиши лозим.

Улуғ сиймолардан бири Мирзо Улуғбек ўз педагогик қарашларида болаларнинг жисмонан соғлом, ҳарбий хунарни пухта эгаллаган, жасур, мард бўлиб етишувига алоҳида аҳамият беради. Улуғбекнинг фикрича, одам соғлом ва бақувват бўлиши учун ёшлик чоғидаёқ жисмоний машқлар билан шуғулланиши, таълим – тарбияда порахўрлик, қаллоблик бўлмаслиги учун мударрислар одил ва ҳалол бўлиши керак. Мард ўғлон ҳақида Маҳмуд Замахшарий ёзади: «Мард киши мағлуб

бўлгани билан унинг мартабаси паст бўлмас, машаққату ташвишга гирифтор бўлса-да, хор бўлмас». Демак, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон жумладан Ватанни севадиган, ватанпарвар жонкуяр сифатида тарбиялаш муҳим вазифалардан саналади. Мана шундай долзарб вазифанинг муваффақиятли амалга оширишда, кишиларини эзгу хислат ва фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашга яқиндан ёрдам берган буюк алломаларимиз ҳаёти, уларнинг дунё тамаддунига муносиб улуш бўлиб қўшилган маънавий мероси, асарларидан тўлақонли фойдаланиш лозим. Демак, тарбияланаётган ҳарбий мутахассис-кадрларимиз халқимиз томонидан асрлар оша сайқалланиб келаётган маънавий меросимизни чуқур ўрганиши, уларни кўз қорачиғидек сақлаши ҳамда хизмат бурчларини адо этиш асносида уларга амал қилиши зарурлигини англамоғимиз лозим.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон ““Ҳар бир оила - тадбиркор” Дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2018 й., 07/08/377/1325-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сонли “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.